

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил август ойининг 24 кuni жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди Олтиариқ туман ИИБнинг 3-сектор биносиди, сайёр очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, судья ёрдамчиси Ҳ.Маманазаровнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси Р.Умаров, судланувчи У.Ахмаджонов ва унинг ҳимоячиси С.Ҳожиевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган

Ахмаджонов Улугбек Акрамович, 1964 йил 18 июнда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайди, Олтиариқ тумани, “Оқ олтин” МФЙ, Олтиариқ кўчаси, 83-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 2 июлда олганга

оид 1-1514-2201/379-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов ва суд мажлисида тўпланган далилларга ҳар томонлама, тўла ва атрофлича баҳо бериб, тарафлар фикрини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи У.Ахмаджонов 2022 йил 18 май кuni Олтиариқ туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2022” тадбири давомида Олтиариқ тумани, “Оқ олтин” МФЙ, Олтиариқ кўчаси, 83-уйининг томорқасида 6 туп каннабис гиёҳвандлик ўсимликларини қонунга ҳилоф равишда экиб, етиштириб келаётганлиги аниқланиб, улар ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2022 йил 19 майдаги 535-сонли хулосасига кўра, У.Ахмаджонов томорқасидаги ўсимликлар барглари намунаси таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу каннабис (наша) ўсимлиги барглари эканлиги аниқланган.

Суд-наркология экспертизасининг 2022 йил 27 майдаги хулосасига кўра, У.Ахмаджоновда “эпизодик наша истеъмоли” бўлиб, наркологик касалликлар аниқланманлиги сабабли ЖКнинг 96-моддасини қўллашга муҳтож эмаслиги;

Олтиариқ туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2022 йил 23 майдаги 9-сонли хулосасида, У.Ахмаджоновнинг томорқасидаги 6 туп наша гиёҳвандлик ўсимликлари ўсиб ривожланиши учун агротехник тадбирлар ўтказилганлиги қайд этилган.

Судда судланувчи У.Ахмаджонов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил 18 май кuni соат 9 ларда яшаш хонадонига ИИБ ходимлари икки



нафар холислар билан кириб, унга “Қорадори-2022” тадбири ўтказилаётганлигини маълум қилиб, хонадонда гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлса, ўз ҳоҳишига кўра топширишини тушунтиргани, шунда уйда гиёҳвандлик ўсимлиги борлигини тан олиб, экин ер майдони четидаги анор дарахти остида ўсаётган наша ўсимликларини кўрсатгани, ходимлар наша ўсимликларини санашганида, 6 туп каннабис (наша) ўсимликлари борлиги аниқланиб, наша ўсимликлари баргларида намуна олиниб, қолган қисми ёқиб юборилгани, ходимлар аниқланган 6 туп наша ўсимлигини қандай қилиб ўсиб чиққанлиги, ким экканлиги, нима мақсадда парвариш қилаётгани сўраганида, уларга наша ўсимликлари ўзи ўсиб чиққанлигини кўриб, юлиб ташламасдан, кейинчалик соғлиги ёмонлиги, яъни буйрагида тош борлиги сабабли оғриқ бўлган вақтда нашани чекиш учун ўстириб келганлигини айтгани, наша ўсимликларини уруғи ариқдан сув билан оқиб келиб ўсиб чиққанлиги ёки илгари даладан ёввойи нашани териб келиб, уйда чеккан вақтда ёввойи нашаларни уруғлари экин майдонига тушиб ўсиб чиққан бўлиши мумкинлиги, наша ўсимликлари ўсиб чиққан жойга экилган экинлар ва мевали дарахтларни суғориб, ўғит солган вақтда наша ўсимликлари ҳам суғорилиб, ўтлардан тозаланиб парваришлангани, наша ўсимликларини оила-аъзолари кўрмагани, нашаларни ўзга шахсларга сотиш ёки ўтказиш мақсади бўлмагани, қилган ишидан пушаймонлиги ва оилада ягона боқувчи эканлигини инobatга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи У.Ахмаджоновнинг айби судда қилмишига тўлиқ иқrorлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар билан:

гувоҳ О.Дехқоновнинг судда, Олтиариқ туман Фермерлар кенгаши агрономи бўлиб ишлаши, 2022 йил 18 май куни соат 9 ларда Олтиариқ туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида У.Ахмаджоновнинг яшаш хонадони икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилганида, экин ер майдонидаги анор дарахти остига экилган 6 туп нашасимон ўсимликларга агротехник ишлов берилган ҳолда етиштираётганлиги аниқлангани, ушбу наша ўсимликлари парваришланган ва таглари бегона ўтлардан тозаланган бўлгани, уларни бўйи ўлчанганда 45-50 см.гача баландликни ташкил қилгани, 6 туп наша ўсимликларини ўсиб ривожланиши учун алоҳида агротехник тадбирлар ўтказилганлигини аниқлаб, бу ҳақда хулоса бергани, ИИБ ходимлари наша ўсимликлари баргларида намуна олиб, керакли ҳужжатларни расмийлаштиришгани ҳақидаги;

гувоҳ Р.Ахмаджоновнинг судда, судланувчи У.Ахмаджонов турмуш ўртоғи экани, 2021 йил 18 май куни соат 9 ларда яшаш хонадонига ИИБ ходимлари икки нафар холислар билан кириб, “Қорадори-2022” тадбири ўтказилаётганлигини маълум қилиб, хонадонини кўздан кечиришганида, экин ер майдони четидаги анор дарахти остида 6 туп наша ўсимликлари ўсиб турганлиги аниқланиб, наша ўсимликлари баргларида намуна олиниб, қолган қисми ёқиб юборилгани, турмуш ўртоғи У.Ахмаджоновни томорқасида наша ўсимлигини етиштириб келаётганлигидан хабари бўлмагани ҳақидаги кўрсатувлари;



шунингдек ишдаги гувоҳлар А.Ахмаджонов, А.Тожибоев ва А.Абдуллаевнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш, нарсани олиш баённомалари, агроном, суд-кимёвий ва наркологиya экспертизасининг хулосалари, фотосуратлар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан исботланди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Ахмаджоновнинг яшаш хонадони томорқасида 6 туп каннабис (наша) ўсимликларини қонунга хилоф равишда экиб, етиштириб келганликда ифодаланган жиноий ҳаракати ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиши, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи У.Ахмаджоновга жазо тайинлашда, унинг шахси, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити ва судланмаганлигини эътиборга олиб, модда санкциясида белгиланган мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Шунингдек суд, ашёвий далил деб эътироф этилиб, экспертиза текширувидан қолган ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг хўжалик бўлимида сақланаётган 1 грамм каннабис ўсимлиги намунасини йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454, 456-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб,

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ахмаджонов Улугбек Акрамович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

У.Ахмаджоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 240 /икки юз қирқ/ соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўташ белгиланиб, жазо муддати маҳкум мажбурий жамоат ишларини ўташи мобайнидаги соатлар билан ҳисоблансин ва ҳукми ижро этиш Олтиариқ туман ИИБга юклатилсин.

У.Ахмаджоновга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.



Ашёвий далил деб эътироф этилиб, экспертиза текширувидан қолган ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг хўжалик бўлимида сақланаётган 1 грамм каннабис ўсимлиги намунаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхасини олгандан кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция шикояти ва протестлари беришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Б.Эргашев

Ҳукмнинг кўчирма нусхаси аслига тўғри,  
туман судининг раиси

Б.Эргашев

